

**РАНГТАСВИРДА РАНГ МУНОСАБАТЛАРИ ХАМДА ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.**

*Навоий давлат педагогика институти  
Ўзбекистон*

**Тогаев Келдиёр Хамидович**

[keldiyortogayev@gmail.com](mailto:keldiyortogayev@gmail.com) (+998936605302)

**Рамозонова Фотима Бегмуродовна**

[SamPaxtachiXTB@gmail.com](mailto:SamPaxtachiXTB@gmail.com) (+998957773326)



**Аннотация:** Ушбу мақола рангтасвирда ранг муносабатлари ҳамда ишлашнинг ўзига хослиги. ва Рангшунослик бўлғуси рассомларга рангларни табиатда ҳосил бўлиши ва тарқалиши масалаларини уларнинг атроф-муҳит таъсирида ўзгариб кўринишини, бўёқларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўллариини ўргатади.«Тасвирий санъат методикаси» фанининг мақсад ва вазифалари, илмий тадқиқот босқичи ва методлари, машғулотларининг мазмуни ва методикаси, таълим даргоҳларида ташқари ишлар мазмуни каби масалалар ўз аксини топганлиги ҳақиқда.

**Калит сўзлар:** Ахроматик ранглар, Хроматик ранглар, Ранглар яна оч-тўқлиги яъни оч қизил, тўқ сариқ. тўқ қизил, оч сариқ Бўёқлар асосан икки хил йўл билан тайёрланади.

**Abstract:** This article is about color relationships and the uniqueness of work in painting. and color science teaches future artists about the formation and spread of colors in nature, how they change under the influence of the environment, how to prepare paints and how to use them. But issues such as the content of extracurricular activities were raised. reflected.

**Key words:** Achromatic colors, Chromatic colors, Light-dark colors, ie. light red, orange. dark red, light yellow. Paints are mainly made in two ways.

**Аннотация:** Эта статья о цветовых отношениях и своеобразии работы в живописи. а цветоведение учит будущих художников образованию и распространению красок в природе, тому, как они изменяются под влиянием окружающей среды, как готовить краски и как ими пользоваться. Правда, такие вопросы, как содержание внеклассной деятельности, были затронуты. отражено.

**Ключевые слова:** Ахроматические цвета, Хроматические цвета, Цвета светло-темные, т.е. светло-красный, оранжевый. темно-красный, светло-желтый. Красители в основном изготавливаются двумя разными способами.

**KIRISH**

Рангшунослик бўлғуси рассомларга рангларни табиатда ҳосил бўлиши ва тарқалиши масалаларини уларнинг атроф-муҳит таъсирида ўзгариб кўринишини, бўёқларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўлларини ўргатади. Ўрта Осиёда ранглар ҳақидаги таълимот қадимдан китоб миниатюраси, наққошлик, деворларга фреска, паннолар ишлаш билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Чунки мусаввирлик ҳунари ранг танлаш ва уларни тайёрлай билишни талаб этади. Шунинг учун ҳар бир шогирд, аввало, ранг тайёрлаш сирларини ва шу ишга боғлиқ кимёвий жараёнларни ўрганган бўлиши керак.

Рангларни табиатда қандай ҳосил бўлиши ва тарқалиш ходисалари қадимдан олимлар ва рассомларнинг диққатини тортган. Уйғониш даври буюк рассомлари ва назариячилари Мон Батиста Алберти, Леонардо да Винчи ва бошқалар рангтаъсир ҳақидаги асарларида рангларнинг хусусиятлари ҳақида ёзганлар. Ранг инсон ҳаётида муҳим рол ўйнайди. У турли вазиятларда одамга ҳар хил таъсир этади. Шунинг учун биз айрим пайтларда рангларни «кувончли» ва кайфиятимизни тушкунлигини ифода этиши мумкин бўлган «хира»-деб аташимиз бежиз эмас.

**Asosiy qism:** Контрастлар ҳақида гап кетганда биз иккита рангни узаро таққослаб, улардаги яққол фарқларни ажратамиз. Ушбу фарқлар ўзининг юқори чўқисига етганда, биз диаметрал ёки бир-бирига зид контрастлар ҳақида гап юритамиз. Шундай қилиб, катта-кичик, оқ-қора, иссиқ-совуқ бизнинг тасавурумизда қарама-қарши контрастларни ифодалайди. Кўз чизикни узун деб қабул қилиши учун уни калта билан солиштириб қабул қилиши керак, агар худди ўша чизикни ундан узунроқ чизик билан солиштирса, у калта бўлиб қабул қилинади.

Худди шундай қилиб, ранг ҳақида таассурот унга контраст ранг билан тақослаганда уни кучайтириши ёки кучсизлантирилиши мумкун. Рангларни тасир этиш усулларини ўрганган ҳолда, биз уларни етти хил контрастларни намоён бўлишини таъкидлаб ўтсак бўлади. Улар мутлоқ фарқли бўлгани сабабли улардан ҳар бирини алоҳида кўриб чиқилиши керак. Еттита контрастдан ҳар бири ўзининг феъли, бадий ахамияти, кўришга оид, экспрессив, конструктив таъсирлари буйича шунчали фарқли ва ноёбки, хатто бизга рангларни кўришда энг асосий қобилиятимизни очиб беришлари мумкун.

**КОНТРАСТЛАР** икки ҳилда бўлалди: хроматик (рангли) ва ахроматик. Тўқ доғни оч доғ билан таққослаганда, у яна ҳам тўқроқ бўлиб кўринади ва тескариси оч доғ тўқни ёнида яна ҳам очроқ бўлиб кўринади (ахроматик контраст). Агар ёнма-ён иккита кўшимча рангни жойлаштира, уларни ранг ёрқинлиги яна ҳам кучаяди (хроматик контраст). **Бир вақтдаги ранг**

**контрасти.** Бундай контраст битта ёки иккита хроматик рангни ахроматик ранг билан таққосланандан келиб чиқади. Буни натижасида рангни кўринишида, унинг тони ўзгариши билан бирга уни ёриғлиги ва ёркинлиги ҳам ўзгаради.

### **Ранг тонини ўзгариши қуйдаги сабабларга боғлиқ:**

Ўзаро таққосланаётган ранг тонларининг ёриғлигига. Бир вақтдаги ранг контрасти таққосланаётган рангларнинг ёриғлиги бир-бирига яқин ёки фон ундаги ранг доғига қараганда тўқроқ бўлганда яққолроқ кўринади. Ранг тонини тўйинганлигига; Таққосланаётган рангларнинг юзасининг катталигига.

### **Чегарадош контраст.**

Бундай кўриниш яқин бўлган рангларни чегарасида содир бўлади. Масалан, сариқ, қизил ранг билан туташ чегарасида яшил, [ранг тусга киради](#), бундай таассурот ранглар узоқлашганда йўқолади. **Гёте, Бецольд, Шеврёль** ва **Хельцель** турли хил ранг контрастларнинг маъно ва ахамияти ҳақида далолат бериб ўтишган. **Етти турдаги контрастларни этиб ўтамиз:**

1. Рангларни таққослаш [контрасти](#)
2. Оч ва тўқ [контрасти](#)
3. Иссиқ ва совуқ контрасти
4. Қўшимча [ранглар контрасти](#)
5. Симутал контраст
6. Тўйинган ранглар контрасти
7. Ранг тарқалиш контрасти

**1. Рангларни таққослаш контрасти**, тоза спектор ранглар тонини узаро солиштириш (таққослаш) асосида тузилади.

**2. Оч ва тўқ контрасти** – рангларни ёриғлиги бўйича таққослаш (энг ёркин мисол бўлиб оқ ва қорани контрасти бўлиб хизмат қилади)

**3. Иссиқ ва совуқ контрасти** - тормозлантирувчи ва тўлқинлантирувчи рангларни таққосланишига асосланган. Бунда ёриғлини бир хил тоза ранглар олинади.

**4. Қўшимча ранглар контрасти:** Ранг спекторидаги қўшимча ранглар контрасти, бундай ранглар йиғилмаси.

**5. Симутал контраст:** Қўшни рангда кўз ўрганган рангни қўшимча рангининг иллюзиясини яратишда асосланган. Бундай ҳолат одам мияси доим муазанатни сақлаб туришга интилиши ҳақида хабар беради. Энг яққол бундай вазият кул рангини хроматик ранги билан солиштирганда кузатилади.

**6. Тўйинган ранглар контрасти.** Тўйинган рангларга барча хира, оқ қўшилган, муррақаб ва ёркин бўлмаган ранглар киради. Бундай контраст ёркин бўлган ва ёркин бўлмаган, лекин ёриғлиги бир хил рангларни ўзаро



таққослаш асосида қурилади. Бундай контраста ёрқин ранглар олдинга чиққанган дек бўлиб кўринади.

**7. Ранг тарқалиш контрасти** Ранг доғларининг миқдорий фарқида асосланган. Бундай контрастда муазанат ёки динамик ҳолатига эришиш мумкин. Шунини айтиб ўтиш керак ки монандлик ҳолатига етиш учун оч ранглар тўқ рангларга нисбатан камроқ бўлиши керак.

### Хулоса

Хуллас, барча ранглар бир-бири билан ҳамбарчас боғланган, улар орасида қатъий кетма-кетлик ёки чегара йўқ. Баъзан бир вақтнинг ўзида икки ёки уч хил ранглар бир бўлиши ҳам мумкин. Базан таёрланган рангларнинг айрим қисмлари қатнашмаслиги ҳам мумкин. Ижодий жараённинг узун-қисқалигига мусавир чизаётган асарнинг ғоявий мазмуни билан бирга, хилма-хил ташқи шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Келдиёр Хамидович Тоғаев ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ ЖАНРИГА ОИД АСАРЛАРИ ИНСОНДА ТАБИАТГА ВА ГУЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ // Oriental Art and Culture. 2023. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tasviriy-sanatdagi-manzara-kompozitsiyasi-zhanriga-oid-asarlari-insonda-tabiatga-va-guzallik-fazilatlarini-shakllantirish> (дата обращения)
2. Keldiyor Xamidovich Tog'ayev TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARINI TABIAT QO'YNIDA TASHKIL TISHNING AFZALLIKLARI JIHATDAN PUXTA BILIM OLIHIGA ERISHISH VA O'QUVCHILARNING IJODKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH OMILLARIGA E'TIBOR QARATISH // Oriental Art and Culture. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tasviriy-san-at-mashg-ulotlarini-tabi-at-qo-ynida-tashkil-tishning-afzalliklari-jihatdan-puxta-bilim-olishiga-erishish-va-o> (дата обращения: 22.09.2023).
3. Dilmurod Xolmamatovich Axmedov XORIJIY TAJRIBALARDAN TASVIRIY SAN'AT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING IJTIMOIIY PEDAGOGIK TARIXI VA ASOSLARI // Oriental Art and Culture. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/xorijiy-tajribalardan-tasviriy-san-at-tizimini-takomillashtirishning-ijtimoiy-pedagogik-tarixi-va-asoslari> (дата обращения: 22.09.2023).
4. Shovdirov, S. BB Boymetov Methods of Organizing Practical and Theoretical Classes for Students in The Process of Teaching Fine Arts International Journal on Integrated Education.
5. Niyazovish G. I. WAYS OF USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES AND THROUGH THE IMPROVEMENT OF IDEAS OF NATIONAL INDEPENDENCE TO STUDENTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 234-237.

6. Tog‘ayev, Keldiyor Xamidovich. "TASVIRIY SAN'AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI." *Innovative Development in Educational Activities* 1.6 (2022): 44-50.
7. Bobonazarov S. KOMPOZITSIYA MASHG ‘ULOTLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING MUHIM EKANLIGI //Science and innovation. – 2022. – T. 1. – №. B6. – C. 11-14.
8. Tog‘ayev, K. X. (2022). TASVIRIY SAN'AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI. *Innovative Development in Educational Activities*, 1(6), 44-50.
9. Шавдилов, С. А. (2017). Подготовка будущих учителей к исследовательской деятельности. Педагогическое образование и наука, (2), 109-110.
10. Ibragimovich I. X., Shovdirov S. A. THEORETICAL PRINCIPLES OF THE FORMATION OF STUDY COMPETENCIES REGARDING ART LITERACY IN STUDENTS //Science and Innovation. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 192-198.
11. Shovdirov, S. BB Boymetov Methods of Organizing Practical and Theoretical Classes for Students in The Process of Teaching Fine Arts International Journal on Integrated Education.
12. Саъдиев С. Т., Очилов З. С. ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА КАЧЕСТВО МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ //XLIII INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION". – 2018. – С. 110-111.
13. Soli Tolibovich Sadiyev O‘RTA ASRLAR SHARQ MINIATYURA MAKTABLARINING METODLARI // SAI. 2022. №C2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-rta-asrlar-sharq-miniattyura-maktablarining-metodlari> (дата обращения: 26.10.2023).
14. Sadiev S. DEVELOPING STUDENTS' ARTISTIC LITERACY SKILLS IN EXTRA-CURRICULUM ACTIVITIES //Science and innovation. – 2023. – T. 2. – №. B9. – C. 106-108.
15. Niyazovish G. I. WAYS OF USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES AND THROUGH THE IMPROVEMENT OF IDEAS OF NATIONAL INDEPENDENCE TO STUDENTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 9. – №. 12. – C. 234-237.
16. Choriyevich J. S. The role of composition in increasing the spatial imagination of students and students //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN. – 2021. – T. 2. – №. 11. – C. 15-17.
17. Choriyevich J. S. TASVIRIY SANATDA RANG VA YORUGLIKLARNING ORNI //Science and innovation. – 2022. – T. 1. – №. C2. – C. 113-116.